
АТ Халқ банки Ёзёвон банк хизматлари маркази томонидан туманда аҳоли даромадларини ошириш ва тадбикорликка күмаклашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан **МУРОЖААТИ**
Ассалому алайкум, Туманимиз фуқаролари!

Сайхунобод тажрибаси асосида томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича **Оилавий тадбиркорлик дастурлари** доирасида 2024 йил январ-сентябрь ойларида тумандаги жами **33 та** МФЙда **1013 та** ўзини-ўзи банд қилган фуқароларга **11 598 млн. сўм** имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш хисобига хонадон аъзоларининг қизиқишига ва хонадонидаги шароитига қараб (**чорва, иссиқхона, парранда, тикув машина ҳамда томорқа экинлари**) ва бошқа хонадонида ўзини банд қилиб даромад олиши ва турмуш шароитини яхшилаш мақсадида кредитлар ажратиб берилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича **ПҚ-306** - сонли қарори асосида бизнесни ривожлантириш ресурслари ҳисобидан **106 та** тадбиркорлик субъектларига фаолиятни кенгайтириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш йўналишлари учун **9 615 млн. сўм** имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқарижисмоний шахсларга **Ипотека, Инлюзив банк, Бизнесга биринчи қадам, микроқарз** кредитлари ажратиб келинмоқда. Ушбу ажратилган кредитлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар билан банк раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш ҳамда ушбу учрашувларда келиб тушган масалаларни ҳал этиш орқали **Уйчи тажрибаси** асосида **300 га** яқин янги иш ўринларини яратишга эришилди.

Туманда аҳоли даромадларини ошириш ва тадбикорликка күмаклашиш бўйича келгусида кенг кўламли ишларни амалга ошириши оидимизга мақсад қилиб олганмиз!

2024-10-10 11:45:26